

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!

Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев Ҳиндистонда бўлиб ўтган ШХТга аъзо давлатларнинг фавқулдда вазиятлар идоралари раҳбарлари йиғилишида иштирок этди.

Мазкур анжуман доирасида фавқулдда вазиятлар, жумладан, трансчегаравий хусусиятга эга фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Унда генерал-майор А.Қўлдошев ҳам маъруза қилиб, Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида маълумот берди. Ўз навбатида, бир қатор аниқ ташаббус ва таклифларни илгари сурди.

Бундан ташқари, форум доирасида фавқулдда вазиятлар идоралари раҳбарлари ўзаро учрашувлар ўтказиб, ҳамкорлик истиқболлари хусусида фикр алмашдилар. Учрашувларда қўшма семинар, тренинг ва машғулотлар ўтказишга алоҳида урғу берилди.

Йиғилиш якунида Фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни акс эттирувчи баённома имзоланди.

ФВВ Матбуот хизмати



ЭЪТИРОФ



Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октай томонидан Туркияда юзага келган талафотли zilзилалар оқибатларини бартараф этишда фаол қатнашган Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлигининг вакили – ФВВ Махсус вазифалар бўйича республика қутқарув маркази командири полковник Исмоил Шарипов Туркиянинг “Давлат олдидаги буюк хизматлари учун” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Албатта, ушбу эътибор ва эътироф вазирлигимиз тизимидаги ҳар бир қутқарувчи, ҳарбий хизматчи ва хиз-

матчи ходимларнинг қалбига ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бундан кейин ҳам Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги тизими халоскорлари нафақат юртимиз ҳудудида, балки дунёда офат ва ҳалокатларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш, инсонларга ёрдам қўлини чўзишда бардавом бўладилар.

ФВВ Матбуот хизмати

УШБУ СОНДА:

ДАВРА СУҲБАТИ

3-бет

АМАЛДА КЎРИЛДИ

4-бет

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

6-бет

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА

7-бет

Баҳодир ОБИД.

МАКТУБ

8-бет

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПОЖАРНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НА ИЗБИРАТЕЛЬНОМ УЧАСТКЕ

Одним из главных требований к помещению избирательного участка является обеспечение пожарной безопасности. Поэтому глава местной администрации, избирательная комиссия при выборе помещения для голосования должны учитывать следующее:

-наличие в помещении исправной и работоспособной автоматической пожарной сигнализации и системы оповещения и управления эвакуацией людей при пожаре;

-наличие и содержание эвакуационных выходов в соответ-

ствии с требованиями пожарной безопасности;

-наличие первичных средств пожаротушения;

-наличие плана эвакуации на случай возникновения пожара (в т.ч. из помещения для голосования).

На избирательном участке до передачи помещения Комиссии, руководителем объекта, где размещен избирательный участок, должен обеспечить полное выполнение требований предписаний органов государственного пожарного надзора (проверка исправности внутренне-

го противопожарного водопровода (при наличии), осветительной и силовой сети, постоянная готовность к применению первичных средств пожаротушения, средств связи и оповещения, соблюдение инструкций по пожарной безопасности и инструкций, определяющих действия обслуживающего персонала и членов избирательной комиссии по обеспечению эвакуации людей, бюллетеней и имущества, обеспечение избирательного участка огнетушителями и т.д.).

Председатель Комиссии перед

началом выборов обязан осмотреть помещения и убедиться в их пожарной безопасности.

Имеющиеся вблизи зданий избирательных участков пожарные гидранты, резервуары и водоемы должны находиться в исправном состоянии, заполнены водой, обозначены соответствующими указателями, в зимнее время утеплены, очищены ото льда и снега.

Н.НУРУЛЛАЕВА,
ведущий специалист
Пресс-службы УЧС
Бухарской области.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛИЙ МЕЗОНИ

Маълумки, 2017 йилгача олийгоҳларда ўқиш учун давлат грантлари сони фақат қисқариб келган бўлса, охириги олти йилда бу борадаги аҳвол бутунлай ўзгарди. Грантлар сони 2 баравар кўпайиб, 40 мингга етди. Магистратура учун эса 5 баравар кўпайди.

Давлат томонидан ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши, уларнинг таълим олиши, соғлиғини сақлаш, уй-жойи, ишга жойлашиш, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш белгиланганлиги қувонарли ҳол, албатта. Бундан ташқари, фуқароларнинг бепул бошланғич касб-ҳунарга ўқитилиши ҳам белгиланаётгани, ногиронлиги бўлган болаларга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитларни яратиш кўзда тутилаётгани аҳамиятлидир. Инклюзив таълимнинг Конституцияга киритилаётгани шундай нуқсонларга эга болаларимизнинг яққалини қолмаслиги, аксинча, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида камол топиши учун муҳим қадамдир.

Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти кучайтириляпти. Шу тариқа мамлакатимиздаги 685 минг нафардан ортиқ ўқитувчининг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланишини ҳуқуқий қафолатлаш натижасида уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрў-эътибори янада ошади.

Бугун мамлакатимизда барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам изчил ислохотлар олиб борилаётгани ва бу ислохотлар натижасида таълим сифати, таълим тизими ходимлари фаолиятида кескин ижобий ўзгаришлар юз бераётгани айтиш ҳақиқат. Эндиликда бу имкониятлар янгиланаётган Бош Қомусимизда ҳам ўз ҳуқуқий асосини топмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, референдум – демократиянинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, конституциявий ислохотлар “Аввал инсон, кейин – жамият ва давлат” деган ғоя асосида эркин, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлатни шакллантириш ва тараққий эттиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Баҳодир АЛИЕВ,
ФВВ Шахсий хавфсизлик
бошқармаси бош мутахассиси, майор.

ХАЙРЛИ ИШЛАР БАРДАВОМ

Фарғона ҳарбий прокуратураси томонидан Қува туманидаги ҳарбий қисмларнинг бирида муддатли ҳарбий хизматчилар иштирокида “Ҳарбий хизматнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” мавзусида профилактик тадбир ўтказилди.



Унда Фарғона ҳарбий прокуратураси терговчиси Х.Эргашев маъруза қилиб, иштирокчиларга мавзу юзасидан тушунтиришлар берди.

Тадбир сўнггида ҳарбий хизматчиларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида “Ҳуқуқий ёрдам” учрашуви ташкил этилиб, уларни қизиқтирган масалалар юзасидан ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Шундан сўнг Қува туманида яшаган Сариосиё ва Узун туманларида бўлиб ўтган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Қ.Мадолимовнинг хонадонига борилиб, яқинларидан хабар олинди ва хонадонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ойбек ШЕРМАТОВ,
Фарғона ҳарбий прокурори ўринбосари,
адлия подполковниги.

ҚАҲРАМОНЛАР НОМИ – БАРҲАЁТ



Каттақўрғон гарнизонидаги ҳарбий қисм қўмондонлиги, Самарқанд ҳарбий прокурори ҳамда Каттақўрғон шаҳар Президент мактаби ўқувчи-ёшлари иштирокида 2000 йилда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун каби тоғли ҳудудларида мамлакатимиз тинчлигини бузишга қаратилган таҳдидларни даф этишда жасорат кўрсатган ҳарбийларимиздан бири, каттақўрғонлик Улуғбек Барноевнинг хонадонига ташриф буюрилиб, унинг отаси Абдулла бобо Барноев ҳамда волидаи муҳтарамаси Сабоат Барноева ҳолидан хабар олинди.

Самарқанд ҳарбий прокурори катта ёрдамчиси Р.Латипов шундай мард ва жасур фарзандни тарбиялаб ўстиргани, ҳақиқий ватанпарвар инсонлар сафига қўшгани учун Улуғбек Барноевнинг ота-онасига миннатдорчилик билдирди.

Фаррух ФАТТУЛАЕВ,
Самарқанд ҳарбий прокурори
ўринбосари, адлия подполковниги.

Республика Ҳарбий прокуратураси тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими томонидан Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва Бош прокуратура билан ҳамкорликда ҳарбий прокуратура органлари прокурор-тергов ходимлари ҳамда Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг тергов соҳасидаги кўникмаларини ривожлантириш мақсадида семинар машғулоти ўтказилди.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Тадбир доирасида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази фаолияти билан яқиндан таништирилди. Марказда жорий этилаётган янги тур экспертизалари ва экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган тадқиқот объектларини олиш, сақлаш ва тақдим қилиш тартиби ва экспертиза имкониятлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Азизбек АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокурори ёрдамчиси,
адлия полковниги.

ДАВРА СУХБАТИ

Боёвут туманида депутатлар, тadbirkorлар ва туман адлия бўлими масъуллари иштирокида “Аввал инсон, кейин жамият ва давлат” ғояси асосида тарғибот тadbiri ташкил этилди.



Тadbirda сўз олганлар Конституциявий ислохотлар эркин, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлатни шакллантириш ва тараққий эттиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли эканини таъкидлашди. Фавқулдда вазиятлар бoшқармаси раҳбарияти томонидан ҳарбийлар ва хизматчиларни референдумда фаол иштирок этишга чорланди.

Қолаверса, тadbир давомида жамиятимизда коррупцияга ўрин йўқлиги, оиласи тинчлиги ва фаро-

вонлигини ўйлаган ҳар бир фуқаро жиноятга қўл урмаслиги тўғрисида сўз юритилди.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.
Эркин ПАРДАБОЕВ,
Боёвут тумани ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

СЕМИНАР

Самарқанд вилояти ФВБда ФВВ масъул ходими Сардор Ёдгоров, Самарқанд ҳарбий прокурори Одил Ўсаров ва ҳарбий суд раиси Бекзод Бобоқуловлар иштирокида “Коррупциясиз фаолият – ривожланиш гарови” мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди.



Тизимда коррупцияга қарши кураш бўйича шахсий таркибнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини ошириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, тартиб-интизом ва масъулиятини кучайтириш тadbирнинг асосий мақсади бўлди.

Фарҳод УБАЕВ, Самарқанд вилояти ФВБ Шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи, капитан.

ISLOHOTLAR SARI!

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida “Yangi Konstitutsiyada ta'lim masalalari” mavzusida davra suhbatlari o'tkazildi.



J.SAIDOV,
FVV Akademiyasi huzuridagi BT va MOM boshlig'i podpolkovnik.

Markaz sikl boshlig'i podpolkovnik A.Qobulov hamda falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori, kapitan O.Maxammatovlar tomonidan tashkil etilgan tadbirda yangi tahrirdagi Konstitutsiyada aks ettirilgan dolzarb masalalardan biri bo'lgan ta'lim sohasi yuzasidan fikr-mulohazalar yuritildi.

Tadbir yakunida tinglovchilar o'zlarining qiziqtirgan savollariga javob oldilar.

Jamoat xavfsizligi universiteti Tabiiy fanlar kafedrasida professori A.Varisov, dotsent I.Hamdorov, kafedra dotsenti F.Ibragimovlar tomonidan O'zbekiston Respublikasi Geologiya universiteti talaba va magistr lari bilan “Konstitutsiya – huquq va erkinliklarimiz, farovonligimiz kafolati” mavzusida davra suhbatlari tashkil etildi.

DOLZARB MAVZUDA

Mazkur tadbir davomida talaba va magistr larga amaldagi Konstitutsiyaning 41-moddasiga kiritilayotgan moddalarning mazmuni-mohiyati tushuntirildi.

Xusniddin MAMATOV,
Jamoat xavfsizligi universiteti kafedra boshlig'i.
Shavqiddin ABDULLAYEV,
kafedra dotsenti.

Poytaxtimizdagi Yoshlar markazida “Ta'lim tizimidagi islohotlar olimlar va yoshlar nigohida” mavzusida II Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi o'tkazildi.

ANJUMAN

Mazkur anjuman Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi Talaba va o'quvchilarning ma'naviy yuksalishiga ko'maklashish markazi, Yoshlar ishlari agentligi Toshkent shahar boshqarmasi, O'zbekiston yoshlar ittifoqi Toshkent shahar Kengashi, Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti, FVV Akademiyasi, Turkiya “Digital Kingdom of Education” ta'lim markazi hamda “Lider” yoshlar va ayollar markazi bilan hamkorlikda tashkil etildi.



Tadbir davomida ta'lim sohasidagi islohotlar, ilm-fanni rivojlantirish, ta'lim va tarbiya uyg'unligini ta'minlash, sohada amalga oshirilishi lozim bo'lgan vazifalar yuzasi-

dan fikr almashildi.

Konferensiyaning yakuniy qismida o'z ma'ruzalari bilan qatnashgan olimlar, tashkilotlar vakillariga tashakkurnomalar, “Eng yaxshi

maqola” nominatsiyasi g'oliblariga diplom, shuningdek, faol ishtirokchilarga sertifikatlar topshirildi.

FVV Akademiyasi matbuot xizmati.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Янги Наманган туманида “Уч авлод учрашуви” тadbiri бўлиб ўтди.

Унда тизим фахрийлари ёш авлодга ўзлари ишлаб ўтган давр муҳити, қийинчиликлар, шaroитлар хусусида фикр юритишди. Янги Ўзбекистонимизда ишлаш, тadbirkorлик қилиш, ўқиш

истагидаги ҳар бир инсонга яратилаётган имкониятлар, ушбу имкониятлар қадрига етиш ва улардан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлашди.



Ушбу тadbир доирасида ташкил этилган Ёшлар сайлида ёшлар ўзларининг бор истеъдодларини намойиш этишди. Спортнинг миллий кураш, стол тенниси, волейбол, 100 метрга югуриш, мини-футбол, шахмат, шашка, тош кўтариш ва армрестлинг, камондан ўқ отиш турлари бўйича мусобақа ташкил этилди.

Бундан ташқари, тadbirda ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда тadbirkorлар томонидан кўرғазмалар намойиш қилинди.

Қаҳрамон САТТОРОВ,
Наманган вилояти ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи, капитан.

“PROKUROR SOATI”

Buxoro harbiy prokuraturasiga viloyatning olis hududlarida joylashgan 13 ta maktab birlashtirilgan bo'lib, ushbu maktablarda harbiy prokuratura xodimlari tomonidan o'quvchi-yoshlar ishtirokida “Prokuror soati” tadbirlari o'tkazilmoqda.

Xususan, Shofirkon tumandagi 20-umumta'lim maktabida tashkil etilgan uchrashuvda davlatimiz tomonidan o'quvchi-yoshlarga yaratilayotgan imkoniyatlar, yoshlar o'rtasida sodir etilayotgan huquqbuzarlik va jinoyatchiliklar, ularning oldini olish yuzasidan huquqiy tushunchalar berildi.

Mahamadjon BOZORMIRZAYEV, Buxoro harbiy prokurori.



OCHIQ DARS

FVV Akademiyasi Tillar kafedrasida katta o'qituvchisi G.Xatamova tomonidan akademiya 4-bosqich kursantlari bilan noan'anaviy ochiq dars tashkil etildi.

Unda akademiya professor-o'qituvchilari hamda O'zbekiston davlat jahon tillari universitetining ingliz tili bo'yicha mutaxassislari, katta o'qituvchilar Lola Eshonqulova va Shahlo Mahkamova-

lar qatnashdi.

So'zga chiqqanlar ushbu ochiq dars juda samarali va ijodiy yondashib olib borilganligi, uslubiy jihatdan juda yaxshi tashkillashtirilganligi, interaktiv usullardan unumli foydalanilganligini e'tirof etishdi. O'qituvchi bugungi kun xorijiy tilni o'qitishning eng birinchi talabiga amal qilib, “Student talking time” usulidan foydalanganligi uning yutug'i ekanligi ta'kidlandi.

FVV Akademiyasi matbuot xizmati.

ZARARKUNANDALARGA QARSHI

G'uzor tumani "Qorako'l" MFY hududida "Zararli chigirtkalarga qarshi kurashish tadbirlarini tashkil etish va amalga oshirishda FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari" mavzusida ko'rgazmali maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.



O'quv mashqiga viloyat Favqulodda vaziyatlar, Qishloq xo'jaligi, Sog'liqni saqlash, O'simliklar karantini va himoyasi boshqarmalari, chigirtka va tut parvonasiga qarshi kurash xizmati, shuningdek, tuman hokimligi mas'ullari hamda kuch-vositalari jalb etildi.

Tadbirning nazariy qismida chigirtkalarga qarshi kurash tadbirlarini samarali tashkil etishning tamoyillari hamda zamonaviy usullari bo'yicha viloyat O'simliklar karantini va himoyasi boshqarmasi, Chigirtka va tut parvonasiga qarshi kurash xizmati mutaxassislarining ma'ruzalari tinglandi.

Amaliy qismda chigirtkalarga qarshi kurashish shtabi faoliyatini tashkil etish, xizmatlar orasida axborot almashinuvini yo'lga qo'yish, chigirtkalar tarqalgan hududlarni aniqlash va chegaralarini belgilash, maxsus texnika, qurilmalarni, kimyoviy preparatlarni foydalanishga shay holatga keltirish ishlari bajarildi. Chigirtkalar tarqalgan maydonlarda kimyoviy ishlov o'tkazishda foydalaniladigan zamonaviy kimyoviy vositalar, ularning xususiyatlarini tushuntirib o'tildi.

Bundan tashqari, tegishli xizmatlar mutaxassislari tomonidan chigirtkalar tarqalishining oldini olish bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni tashkil etish, chigirtkalar ko'payish o'choqlarini aniqlash, ularning tarqalib ketishi, qishloq xo'jaligi ekinlariga zarar yetkazish xavfini bartaraf etish bo'yicha birlamchi tashkiliy hamda amaliy tadbirlar amalga oshirildi.

Firdavs AMANOV,
Qashqadaryo viloyati FVB xodimi, kapitan.
Shahboz BOBOMURODOV,
OAV va JTBHQG xodimi.

Самарқанд шаҳридаги футбол мактабида мини-футбол бўйича вилоят ФВБ ва унинг қуйи тизимлари ўртасида чемпионат бўлиб ўтди.

МИНИ-ФУТБОЛ

Мусобақани вилоят ФВБ бошлиғи полковник И.Исмоилов очиб берди ва барча жамоаларга омад тилади.

Сўнг бошқарма қуйи тизимларининг 19 та терма жамоаларига гуруҳлараро беллашувга старт берилди. Баҳсларнинг финал қисмида вилоят Махсус ихтисослаштирилган ёнғин-қутқарув отряди 1-ўринга муносиб деб топилди. Самарқанд шаҳар ФВ бўлими 1-ёнғин-қутқарув қисми 2-ўринга, 2-ёнғин-қутқарув қисми терма жамоаси 3-ўринга сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар, кубок, медаль ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Б. МУСУРМОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти ФВБ ТХваЖТТЭБ бошлиғи,
подполковник.



Qashqadaryo viloyati FVB tashabbusi bilan tashkil etilgan "Yosh qutqaruvchi" musobaqasining viloyat bosqichida umumta'lim maktablari o'quvchilaridan tarkib topgan klublar o'zaro bellashdi. Shuningdek, kasb-hunar maktablari, akademik litsey yoshlaridan iborat 6 ta jamoa ham g'oliblik uchun kurash olib bordi.

YOSH QUTQARUVCHILAR

Musobaqa ishtirokchilari Fuqaro muhofazasi bo'yicha savol-javob, jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish, daryodan dor yo'li orqali xavfsiz o'tish, o'quv minorasining birinchi qavatiga ko'tarilish, yong'in o'chirish estafetasi kabi shartlarda o'z tezkorliklarini namoyon etdilar.

Musobaqada faol ishtirok etgan jamoalar munosib rag'batlantirildi. G'oliblar tanlovning keyingi bosqichiga yo'llanmani qo'lga kiritdilar.

Temur SAIDOV,
Qashqadaryo viloyati FVB xodimi,
birinchi darajali serjant.

VILOYAT BIRINCHILIGI

Xorazm viloyati FVB, shahar va tuman FV bo'limlari o'rtasida "Yong'in-qutqaruv sporti" bo'yicha viloyat birinchiligi o'tkazildi.

Musobaqa yakuniy natijalariga ko'ra, umumjamoa hisobida 3-o'rinni Shovot tumani FV bo'limi, 2-o'rinni Tuproqqal'a tumani FV bo'limi, 1-o'rinni Urganch tumani FV bo'limi jamoalari egalladilar.

G'oliblarga diplom va esdalik sovg'alari topshirildi.

Sh.SAMANDAROV,
Xorazm viloyati
FVB TXJTTE bo'limi
boshlig'i, mayor.

QIRG'OQLAR MUSTAHKAMLIGI

Xorazm viloyati Bog'ot tumani Dehqonobod qishlog'i hududidagi "As-yop" kanalini loyqadan tozalash hamda qirg'oqlarini mustahkamlash" mavzusida maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

O'quv mashqiga 18 nafar ishchi-xizmatchi, 8 ta muhandislik texnikalari jalb etilib, 2450 m³ tuproq, 365 p/m o'zan tozalash ishlari bajarildi.

Shuningdek, bahor-yoz mavsumida suv miqdorining oshib ketishini inobatga olib, shahar va tumanlarning tegishli idora, tashkilotlarning kuch va vositalari shayligiga e'tibor qarlatildi. Qolaversa, mavsum davomida suv toshqinlarining oldini olish bo'yicha tegishli idora va tashkilotlarga ko'rsatma hamda tavsiyalar berildi va bajarilishi nazoratga olindi.

S.ISKANDAROV,
Xorazm viloyati FVB bo'lim boshlig'i, kapitan.
J.NAZAROV, bo'lim xodimi, oddiy askar.

ТАВСИЯЛАР БЕРИЛМОҚДА

"Uzbekistan Airoports" AJ objektlarda ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўлими томонидан ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур тадбирларда ишчи-ходимлар иштирокида учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилиниб, мутахассислар томонидан ёнғин ва техника хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш юзасидан тушунчалар берилмоқда.

Тадбирлар давомида иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоблар берилиб, хизмат фаолиятида фойдаланиш учун кўргазмали материаллар тарқатилмоқда.

Шерзод КАДИРОВ,
"Uzbekistan Airoports" AJ ОЕХТБ
бош инспектори, подполковник.

G'OLIBLAR ANIQLANDI



Farg'ona davlat universitetining "Book-cafe" binosida viloyat FVB tizimida xizmat qilib kelayotgan 30 yoshgacha bo'lgan yoshlar o'rtasida "Ajdodlar izidan" intellektual tanlovining viloyat bosqichi o'tkazildi.

Tanlovda kuzatuvchi sifatida O'zbekiston yoshlar ittifoqi viloyat kengashi a'zolari, Farg'ona harbiy prokurori hamda viloyat FVB boshlig'ining KT va MIB o'rinbosari ishtirok etdi.

Tadbirda boshqarma tizimida xizmat qilib kelayotgan 110 nafardan ortiq yosh ishtirok etib, jami 19 ta jamoa o'zaro bahslashdi.

Tanlov natijalariga ko'ra, 1-o'rin "Farg'onaazot" AJ BYXTTEBning "Farg'onaazot", 2-o'rin Qo'shtepa tumani FV bo'limi 9-YQQning "Zukkolar", 3-o'rin Marg'ilon shahar FV bo'limi 7-YQQning "Marg'iloniy-lar" jamoalariga nasib etdi. G'oliblikni qo'lga kiritgan jamoalarga faxriy yorliqlar topshirildi.

Ahliddin ALIJONOV, Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i, katta leytenant.

АМАЛДА КЎРИЛДИ

Бойсун туманида сел-сув тошқинлари ва кўчки мавжуд ҳудудларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ФВДТ хизматлари иштирокида дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш бўйича махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди.



Дастлаб туманда ташкил этилган механизация йиғма коммандасининг махсус муҳандислик техникалари ҳамда шахсий таркибининг саф кўриги бўлиб, унда жами 35 та муҳандислик техникаси ва 120 нафар шахсий таркиб иштирок этди.

Тумандаги "Ширин-обод" маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтадиган "Ҳонгаронсой" қирғоқларини мустаҳкамлаш, сой ўзанини тозалаш ишлари амалга оширилди.

Ж.ЖЎРАЕВ,
Сурхондарё вилояти
ФВБ ЖТ ва ОАВБХҚГ
бошлиғи, капитан.



MUQADDAS BURCH

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasiga yangi chaqirilgan yosh askarlar ishtirokida “Vatanga qasamyod” tadbirlari tashkil etildi.

Ishonamizki, muddatli harbiy xizmatchilar bir yil mobaynida ona-Vatan himoyasidek muqaddas va sharafli vazifalarni vijdonan bajarib, yigitlik burchlarini mardonavor va sidqidildan ado etadilar va yurtimiz bunyodkorligi, obodligi yo'lida o'zlarining munosib hissalarini qo'shadilar.

Sh.AHMADALIYEV,
FVV MMQB bo'lim
boshlig'i, kapitan.

ХАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР



Давлатобод туманидаги “Саховат” интернат уйида Наманган вилояти ФВБ ҳарбий хизматчилари томонидан ташкил этилган ҳашарда маскан ҳовлиси атрофидаги ерлар текисланди, ўтлар тозаланди. Ён-атрофни обод этиш билан бир қаторда, нуроний отахон ҳамда онахонларнинг ҳам дуолари олинди.

Ҳашар якунида бошқарма раҳбари томонидан бу каби хайрли ишлар бардавом бўлиши таъкидланди.

Рустам ЭГАМБЕРДИЕВ,
Наманган вилояти
ФВБ ОАВВаЖТБХҚГ етакчи
мутахассиси.



ЎҚУВЧИЛАРГА ЭСЛАТМА



Yoshlar ittifoqi Qashqadaryo viloyati kengashi va Yoshlar ishlari agentligi hamkorligida viloyatdagi harbiy tuzilmalar o'rtasida “Ajdodlar izidan” intellektual o'yinining viloyat bosqichi o'tkazildi.

OFITSERLAR BAHSI

Unda viloyat FVBning “Ilg'or qutqaruvchilar”, Milliy gvardiya Qo'riqlash boshqarmasining “Humo”, DXX chegara qo'shinlarining “Temuriylar”, Bojxona boshqarmasining “Everest”, shuningdek, Milliy gvardiya boshqarmasi jamoasi va DXX viloyat boshqarmalaridan tarkib topgan jamoalar o'zaro bellashdilar.

Qiziqarli bahslarda jamoalar kuch va bilimlarini ishga soldi. Yakuniy natijalarga ko'ra, viloyat Favqulodda vaziyatlar boshqarmasining “Ilg'or qutqaruvchilar” jamosi g'oliblikni qo'lga kiritib, Respublika bosqichiga yo'llanmani qo'lga kiritdi. Shuning-

dek, DXX chegara qo'shinlariga qarashli “Temuriylar” jamoasi, viloyat Milliy gvardiya Qo'riqlash boshqarmasining “Humo” jamoasi va Bojxona boshqarmasining “Everest” jamolari ham tanlovning keyingi bosqichiga yo'llanmani qo'lga kiritishdi.

G'olib jamoalar diplom hamda kitob jamlanmalari bilan taqdirlandilar.

R.ESHONQULOV,
Qashqadaryo viloyati FVB
inspektori, katta leytenant.

Sh.BOBOMURODOV,
boshqarma matbuot
xizmati xodimi, oddiy askar.



Наманган вилояти Чуст туманининг қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда зарарли чигирткалар кўпайиш ўчоқларини аниқлаш бўйича кузатув ишларини ташкиллаштириш, зарарланган майдонларни аниқлаш ва уларни чегаралаш, юзага келган хавф кўламини баҳолаш мақсадида “Зарарли чигирткаларга қарши кураш тадбирларини ташкил этиш” мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

МИТТИ ОФАТ – КАТТА ТАЛАФОТ

Машқ давомида тегишли хизматларга ахборот бериш, зарарли чигирткалар тарқалган вақтда уларга қарши кимёвий ишлов ўтказишда кимёвий препаратлардан фойдаланиш, уларга қарши кураш тадбирларини самарали ташкил этишнинг асосий тамойиллари ва замонавий усуллари, уларни белгилаш бўйича ҳаракатлар ва зарарланган майдонларга агро-техник, кимёвий ишлов бериш тадбирлари амалга оширилди. Бу борадаги тадбирлар давом эттирилмоқда.

Санжарбек РАҲИМОВ,
Наманган вилояти ФВБ РКваТБМТЭБ ходими,
катта сержант.

ФВВ Академияси ҳузуридаги ФМИ ходимлари томонидан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 186-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан “Турли хусусиятли фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ҳамда содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш” мавзусида ташкил этилган ўқув-семинарида фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш, шахсий ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланиш юзасидан маълумотлар берилди.

Тадбир давомида ўқувчилар олган билимларини амалий тарзда қўллаб кўришди.

К.ЖУМАКУЛОВА,
ФВВ Академияси
ҳузуридаги ФМИ
ўқитувчиси.



КОРХОНАДА ФМ ТАДБИРИ

Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ “Uz-kor Gas Chemical” ҚК ва унинг тасарруфидаги объектлар биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими томонидан “Устюрт” газ-кимё мажмуаси ишчи-хизматчилари иштирокида ўқув машғулоти ўтказилди.

Машқ давомида ёнғин вужудга келганда дастлабки ҳаракатлар, ёнғинни тез ва самарали ўчириш усуллари намойиш этилиб, ёнғиннинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидалари қатнашчиларга амалий ва назарий тарзда тушунтирилди.

Мажмуанинг этилен ишлаб чиқариш цехи ишчи-хизматчиларига мажмуа ҳудудида ёнғин чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш, ҳар бир бино, иншоот ҳамда хизмат хоналарининг ёнғин хавфсизлиги бўйича техник воситалари билан ишлаш бўйича йўриқнома берилди.

Д.ШАРАПОВ,
“Uz-Kor Gas Chemical” ҚК ва унинг
тасарруфидаги объектлар биноларида
ЁХТТЭБ инспектори,
лейтенант.



ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

“Қамчиқ” довонида фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган тадбирларни белгилаб олиш юзасидан идоралараро штаб йиғилиши ўтказилди.

Мажлисида таъкидланганидек, “Қамчиқ” довонидан ўтган А-373 “Тошкент-Ўш” автомобиль йўли ва “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўли масофасида транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавфсиз ҳаракатини таъминлаш, аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш, довонда ҳайдовчи ҳамда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, довонда автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини

таъминлаш бўйича ҳамкорликдаги хизматлар томонидан бажарилган ижобий ишларга қарамасдан, содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлил қилинганда ушбу ҳолатларга ҳайдовчиларнинг етарли малакага эга эмаслиги, белгиланган тезликни оширишлари, айрим ҳолатларда эса транспорт воситаларининг техник носозлиги сабаб бўлаётганлиги аниқланди.

Шунга кўра, довонда автотранспорт воситаларининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз ҳаракатланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳамда хизматлар томонидан йўл



қўйилаётган камчиликлар танқидий таҳлил қилинди.

Тадбир якунида йўл-транспорт ҳодисалари ва ёнғинлар билан боғлиқ фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан ҳамкорликдаги

тадбирларни кучайтириш бўйича ўзаро келишиб олинди.

А.ҚУДРАТОВ,
“Қамчиқ” МҚЁҚБ навбатчи-диспетчерлик бўлими бошлиғи, кичик сержант.

MASHQ VA MALAKA

Aholi va hududlarni xavfli gidrometeorologik hodisalar hamda geologik jarayonlar bilan bog'liq favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish maqsadida, Farg'ona viloyati Uchko'prik tumani “Sariqo'rg'on” bosh suv inshootidan oqib o'tgan So'x daryosining o'zanlarini tozalash, qirg'oqlarini mustahkamlash bo'yicha maxsus-taktik o'quv mashg'uloti bo'lib o'tdi.

Mashg'ulot davomida jami 14 ta maxsus texnika yordamida daryo o'zanlari qum va shag'allardan tozalandi.

Ahliddin ALIJONOV,
Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i, katta leytenant.



“O'zbekiston” xalqaro anjumanlar saroyida yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'linmasi, shuningdek, saroy ko'ngilli yong'inidan saqlash xizmati a'zolari bilan birlamchi yong'in o'chirish vositasidan foydalanish bo'yicha amaliy mashg'ulot o'tkazildi.

O'QUV

Mashg'ulot davomida birlamchi yong'in o'chirish vositasidan nafaqat ish joyida, balki zarur hollarda, uyda ham foydalanish muhimligi to'g'risida tushuntirishlar berildi.

Jamoliddin NARGITOV,
“O'zbekiston” xalqaro anjumanlar saroyida YXTTEB YNvaPB mutaxassisi, katta serjant.

BEFARQ BO'LMAYLIK!

Bilasizmi negadir biz fuqarolar qandaydir favqulodda vaziyat sodir bo'lgandagina unga jiddiy e'tibor bilan qaragandekmiz, misol uchun, butun dunyoni o'ziga qaratgan Turkiyadagi vaziyatdan so'ng ko'pchiligimizni ushbu savollar sarosimaga solgandek go'yo.

Ammo ko'pchiligimiz bunga befarq edik, soha xodimlari har mavsumda favqulodda vaziyatlarning oldini olish maqsadida odamlar gavjum joylarda, ta'lim muassasalarida hatto xonadonlarda uyma-uy yurish orqali fuqarolarga o'z tavsiyalarini berib kelishadi. Ijtimoiy tarmoqlarda, televideniye orqali yoritiladi, turli profilkatik tadbirlar, o'quv mashg'ulotlari o'tkaziladi. Ammo biz qish, bahor, yoz mavsumi hamkor tashkilotlar bilan targ'ibot tadbirlarida yurganimizda ko'pchiligimiz uyimizning eshigini ochmaymiz, uyda hech kim yo'q, deb parvo qilmaymiz, shunday emasmi? Ko'chalarida yurganimizda yong'in sodir bo'layotgani yoki mashina yonayotganini ko'rsak, darrov telefonimizni olib, suratga olishni boshlaymiz? Ammo kimgadir yordam kerakligini o'ylamaymiz, turli negativ fikrlar bilan ijtimoiy tarmoqlarda vaqtimizni ketkazamiz.

Bilasizmi, menga shunday tuyuladiki, insonlar boshiga tushgandagina bir-biriga mehribon bo'lib qolgandek, bunday vaziyatlar sodir bo'lgandagina e'tibor berib tavsiyalarga amal qilgandek tuyuladi. Men faqat bir narsani – avvalroq oldini olish mumkin hamda buning uchun barchamiz birlashib berilgan tavsiyalarga amal qilishimiz, o'sha baxtsiz hodisaning oldini avvalroq olish kerakligini va buning uchun befarq bo'lmaslikni xohlardim.

Barchasi o'z qo'limizda, shuni unutmaylik!

Shaxboz BOBOMURODOV,
Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati xodimi, oddiy askar.



Наманган тумани ФВ бўлими томонидан ёнғинларнинг олдини олиш юзасидан жойларда профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мазкур тадбирлар доирасида фуқароларга қўлбола ясалган газ ва электр иситиш ускуналаридадан фойдаланмаслик зарурлиги тушунтирилмоқда.

Қайд этиш жоизки, жорий йилнинг ўтган 3 ойи давомида туман ҳудудида 13 та ёнғин содир бўлган. Мазкур ёнғинлар натижасида 1 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олган.

Шу боис, хонадонда ва иш жойида турли носоз ёки ностандарт газ ва электр ускуналари, синовдан ўтказилмаган маиший газ баллонларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Зеро, кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар биримиз масъулмиз.

Абдурахмон МУРОДОВ,
Наманган тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, майор.

“ЯШИЛ МАКОН”



“Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида “Қамчиқ” махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси қутқарув отряди биноси атрофидаги ҳудудлар қутқарувчилар томонидан тошлардан тозаланиб, дарахт қўчатлари экилди.

Барча дарахтлар ҳозирда оқланиб, суғориш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳага қутқарувчилар ўз ҳиссасини қўшаётганлигидан жуда мамнундир.

У.НОРБОЕВ,
“Қамчиқ” МҚЁҚБ қутқарув отряди гуруҳ командири, лейтенант.

МУСТАҲКАМ ҚИРҒОҚ – МЕТИН ҚАЛҚОН

Жорий йилнинг январь ойида Норин тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Норин дарёсининг чап қирғоғида емирилиш хавфи юзага келган эди. Мазкур ҳолат тегишли ташкилотларнинг куч ва воситалари ёрдамида ҳал этилиб, дамба тиклаш ишлари бажарилган. Айни кунларда дарё суви пасайган.

Наманган вилояти ҳоқими – вилоят Фуқаро муҳофазаси раҳбари Шавкатжон Абдураззоқов бошчилигида семинар ўтказилиб, ушбу масала кўриб чиқилди. Тадбирда ФВВ ҳамда бошқармалар мутасаддилари, секторлар раҳбарлари, Табиат ресурслари вазирлиги вилоят бошқармаси ходимлари, Учқўрғон, Норин ва Уйчи туманлари сектор раҳбарлари ва вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этдилар.

Семинарда дарё қирғоқларига етказилган зарарни бартараф этиш масаласи аниқ рақамларга таянган ҳолда таҳлил этилди. Вилоят ҳоқими мазкур ишларни кечиктирмай хавфни ўз вақтида бартараф этиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш муҳимлигини таъкидлади. Шунингдек, қирғоқни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча воситалардан унумли фойдаланиш, аҳоли, қолаверса, ер майдонларига зарар етишининг олдини олиш учун тезкор штаб ишини самарали ва сифатли ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Семинар давомида дарё ўзанининг табиий оқиши ҳамда қирғоқ дамбаларини мустаҳкамлаш бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилди. Хавфли деб топилган ҳудудлар ҳолатини яхшилаш бўйича тадбиркорларга тавсиялар берилди.

Абдурашул РАҲИМОВ,
Наманган вилояти ФВВ бошлиғи
ўринбосари,
подполковник.

Фарҳод ЖАББОРОВ,
Норин тумани ФВ бўлими бошлиғи,
майор.



РЕЙДЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Сурхондарё вилояти ФВВ кичик ҳажмли кемалар инспекцияси ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда рейд тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мазкур тадбирлар давомида кемани (моторли) бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси мавжуд бўлмаган кема ҳайдовчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексига асосан, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари, мансабдор шахсларга эса икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши тўғрисида тушунчалар берилди.

Мазкур тадбирлар вилоят ҳудудидаги барча сув омборлари ва сунъий кўлларда мунтазам равиш давом эттирилмоқда.

Ф.ШОЙМАРДАНОВ,
Сурхондарё вилояти ФВВ ЖТ ва ОАВБҲҚГ етакчи
мутахассиси.

С.БОЙНАЗАРОВ, бош инспектор.

Деҳқонobod туманидаги ижтимоий-иқтисодий объектлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда аҳоли яшаш пунктлари, таълим ва даволаниш муассасалари, савдо мажмуаларида учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

ТАРҒИБОТ

Тадбирлар давомида фуқаролар ўртасида кундалик турмушда табиий газ, электр ва коммунал тармоқлардан тўғри фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ёнғинлар ва табиий, техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш, қутуриш, Қрим-Конго ҳамда овқатдан заҳарланиш каби касалликлардан огоҳ бўлиш лозимлиги айтилмоқда. Шунингдек, озиқ-овқат дўконлари, деҳқон

бозорлари ва савдо расталарида сифатсиз ва яроқсиз маҳсулотларни харид қилмаслик, уй шароитида боқилаётган ҳайвонларини вақтида эмлаш ишларини ташкил этиш борасида кўрсатма ва тушунтиришлар берилмоқда.

Ўткирбек ЮЛДАШЕВ,
Деҳқонobod тумани ФВ
бўлими бўлинма бошлиғи,
майор.

Шухрат ТОҒАЕВ,
Деҳқонobod тумани ФВ
бўлими
бўлинма бошлиғи, майор.

Ўткир юкумли зооноз касаллик ҳисобланган қутуриш – одамлар ва ҳайвонларда асаб тизимининг зарарланиши ва мия фаолиятининг бузилиш аломатлари билан кечади.

ҚУТУРИШДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Касаллик манбаи ёввойи йиртқич ҳайвонлар – чиябўри, тулки, бўрилар, дайди итлар, уй ҳайвонлари ва кемирувчилар ҳисобланади. Ушбу касаллик одамлардан-одамларга юқмайди. Қутурган ҳайвон тишлаганида ёки шу ҳайвон сўлаги одам терисига тушганида юқиши мумкин.

Танада ҳароратнинг кўтарилиши, безовталиқ, бош оғриғи, уйқунинг бузилиши, жароҳат олган жойда кучли тортувчи оғриқ каби белгиларнинг кузатилиши; 1-2 кундан кейин беморда овқат ва сувни ютиш қийинлашиши, беморда сувдан, ҳаводан ва ёруғликдан кўрқиб, нафас олишнинг қийинлашиши, 2-3 кундан кейин паралитик ҳолат кузатилиши ва 5-8-кунларида мушакларнинг қаттиқ тортишиши касалликнинг белгилари ҳисобланади.

Ҳайвонлар тишлаганда ёки унинг сўлаги текканда жароҳат олган жойдаги ярани совун билан ювиб, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим. Ҳайвонлардан жароҳат олганларда даволаш-профилактика муассасаларида қутуришга қарши эмлаш ишлари иложи борича эртароқ қилинади. Қутуриш касаллигининг манбаи сифатида атрофдагилар учун хавф туғдиради, қаровчисиз қолган дайди ит ва мушукларни кўргангизда зудлик билан Ободонлаштириш бошқармасига хабар бериш лозим.

Овчи итлар, уйда сақланадиган итлар билан мушук ва бошқа ҳайвонларни ветеринария назоратидан ўтказиб туриш, қутуришга қарши эмлаш, энг асосийси, одамларни ҳайвонлар тишлашидан асраш лозим.

М.ЖАХИЯЕВ,
"Yangi-Angren IES" АЖ ОЕХТТЭБ
инспектори, лейтенант.



Qashqadaryo viloyati FVBDa faoliyat olib borayotgan Toshqinqa qarshi viloyat komissiyasi tomonidan Chiroqchi tumani "Navro'z" MFY Navro'z qishlog'i hududidan oqib o'tuvchi sel yo'li hamda Ko'kdala tumani "Chiyal" MFY Toshchi qishlog'i hududidan o'qib o'tuvchi "Qumdaryo" daryosida qirg'oq mustahkamlash, sel yo'llarini kengaytirish va tozalash ishlari amalga oshirilmoqda.

МУНОФАЗА

Ushbu tadbirlarga FVDTga kiruvchi hamkor xizmatlarning 25 nafar ishchi-xodimlari, 12 ta maxsus texnika jalb etilgan. Hozirda respublikamiz bo'ylab hududlarda belgilangan dastur asosida soylar, daryolarda qirg'oq mustahkamlash tadbirlari olib borilmoqda.

Arzimurod LAPASOV,
Ko'kdala tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, katta leytenant.

Ozod JABHAROV,
Chiroqchi tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, kapitan.

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА

Тошкент вилоятининг 2- ва 35-умумтаълим мактаблари билан офатлар таҳдидини камайтириш ҳамда уларда ҳаракатланишга тайёр туриш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича семинар ўтказилди.

Мазкур тадбир БМТнинг Болалар халқаро жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Зилзила ва бошқа табиий офатлар хавфи таҳдиди юқори бўлган Марказий Осиё давлатларининг фавқулодда вазиятларга бардошлилигини таъминлашга қаратилган маҳаллий ва миллий салоҳиятларини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Б.ЖЎРАЕВ,
ФВВ Академияси ҳузуридаги
ФМИ марказ бошлиғи.



26 апрель – халқимизнинг сеvim-ли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллуд топган кун



Мақтуб

Қабрингизда эссин жаннат насими,
Устоз, яхши ором олаяпсизми?
Биздайин талантсиз қаламкашлардан
Оғриниб, Сиз хафа бўлмаясизми?

Зўр шоирлик эди орзуим – Сиздек,
Аммо бундай ҳисни туя олмадим.
Демак, она-Ватан, жонажон ўлкам,
Халқимни тамасиз суя олмадим...

Сатрларим шундан соддамас, сохта,
Шоирлик бурчини сиртдан ўтадим.
Сиздек ёнолмадим гуриллаб, гуллаб,
Майда ҳис-туйғудан фақат... "тутадим"...

Яна жўн шеъримга "лайк" йиғай дея,
Тентирадим тармоқ аро йўлма-йўл.
Сизнинг битганингиз – сиёҳ куримай,
Миллионлаб дилларга етган қўлма-қўл...

Тағин иддаолар қиламан тинмай,
Яшайман деб бир кун адабиётда.
Минг битта маънисиз шеър билан эмас,
Қолмоқ мумкин байт-ла абадиятда...

... Хуллас, айтаверсам, тугамас ҳасрат,
Юрак ҳам урмоқда сўнгсиз дард бўлиб.
Юртга қуруқ мақтов битгандан кўра,
Яхшиси, яшайин тупроқ-гард бўлиб...

Мени маъзур тутинг, азиз устозим,
Худойим кечирсин биз – умматларни.
Ҳеч қачон Сиздайин бўла олмаимиз,
Ўзи бермагунча Муҳаммадларни!

Баҳодир ОБИД.



Ушбу QR-коднинг телефонингизда
сканерланг ва шоир Баҳодир Обид
ижоди билан танишинг.



КЛАВИАТУРАЛАР

Ҳар куни бир неча мартаба клавиатурадан фойдаланамиз, аммо клавиатуралар қандай ишлаши ёки уларнинг кўриниши ҳақида кўп ҳам ўйлаб ўтирмаймиз.

Инглиззабон сўзловчиларнинг "QWERTY" клавиатураси анъанавий ва ҳеч қандай ғалати хусусиятларга эга бўлмаган клавиатура бўлиши мумкин, аммо баъзи давлатларда фойдаланиладиган клавиатуралар биз ҳар куни кўрадиган клавиатурадан умуман бошқача. Келинг, қуйида матн териш вазифасини бажарувчи ушбу қурилмалар ҳақида қизиқарли маълумотлар билан танишамиз.

КАНАДАЧА "ҚОР РЕЖИМИ" КЛАВИШИ

Канаданинг француззабон худудлари, хусусан, Квебек провинциясида французча-канадача клавиатурадан фойдаланилади. Бу клавиатурада "Ctrl" тугмаси ўрнида "Қор режими" клавиши бор ва бу клавиш "Ctrl" тугмаси қандай вазифани бажарса, худди ўша вазифани адо этади. Кўпчилик Канадани қиш фасли, совуқ ҳаво ва қор билан боғлайди, балки шунга қор парчаси тасвири канадача клавиатурага ҳам кўчирилгандир. "Қор режими" клавиши биринчи марта "ACNOR" томонидан ўйлаб топилган ва кейинчалик бошқа компьютер ишлаб чиқарувчи компаниялар, жумладан, "Apple" томонидан ҳам французча-канадача клавиатураларда қўлланилган.

ЭНГ ҚИСҚА ПРОБЕЛ ТУГМАСИ

Ҳар қандай клавиатурадаги энг узунузууууун клавиш пробел тугмаси ҳисобланади. Аммо Ер юзидаги энг қисқа пробел клавишини японча клавиатураларда учратиш мумкин. Нега? Чунки япон тилида матн тераётганда лотин ҳарфлари ва японча белгиларни аралаштириб ёзиш керак бўлади. Шу сабабдан, бир ёзувдан бошқасига ўтиш учун алоҳида клавиш қўшилган. Натижада, пробелнинг ҳажмини қисқартиришга тўғри келган. Японча клавиатуралар кўриниши бунақа бўлади:

Пробел ҳақида гап кетганда, яна бир маълумот. Бу тугма нафақат энг узун, балки энг кўп босиладиган клавиш ҳамдир. *Бўш жой ташланмай ёзилган матнни ўқиш қийин бўлади, тўғрими?;* YouTube'даги маълумотга кўра, матн тераётганда босилган клавишлар умумий сонининг 18 фоизи пробел улушига тўғри келади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Сониянинг ҳар 1/10 улушида бутун Ер юзи бўйлаб пробел тугмаси 600 000 марта босилади. Ҳар сафар жой ташлаш учун пробелни боссангиз, яна қанча одам бу тугмани сиз билан тенг босишини бир тасаввур қилиб кўринг...

"QWERTY" клавиатурлари энг самарали клавиатура бўлса керак,

деб ўйларсиз, чунки улар энг кенг оммалашган клавиатурадир. Аммо бу гап ўроқдек "тўғри"лигига ишонасизми? Хўш, нега клавиатуралар "ABDEFG" ҳарфлари билан эмас, балки "QWERTY" билан бошланади? "QWERTY" тартиби 1872 йил Кристофер Шолз томонидан ўзининг янги матн териш ускунаси учун яратилган (у даврларда ҳали компьютерлар йўқ эди). Ёзув машинаси ҳарфлари алифбо тартибда жойлаштирилганда, матн терувчи шунчалар тез матн терардики, натижада ускунанинг механик қисмлари (уларни "болға" деб аташган) ишдан чиқарди. Шолзга матн териш тезлигини пасайтириш учун ҳарфлар кетма-кетлигини чалкаштириб ташлаш гоёси келади. Шундай қилиб, "QWERTY" клавиатураси аслида матн "QWERTY" жараёнини секинлаштириш учун ишлаб чиқилган, аммо компьютерлар пайдо бўлганда ҳам бу клавиатуранинг негизий ҳамма бирдек ижобий қабул қилди ва ҳарфлар жойлашуви ҳам шундай бўлиб қолди.

МИНИ-КЛАВИАТУРАЛАР

Бу турдаги клавиатураларда фақатгина бир неча тугмалар ёрдамида оддий клавиатурадаги барча белгиларни ҳосил қилиш мумкин. Аммо қандай қилиб? Битта белгини ҳосил қилиш учун битта тугмани босиш ўрнига, бундай клавиатураларда худди пианинодаги каби аккордлардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам, бу клавиатураларни аккордли клавиатура дейишади. Аккордли клавиатуралар, асосан, кўзи ожизлар томонидан (Брайл версияда) ёки оддий клавиатурадан фойдаланиш бесамак бўлган вазиятларда ишлатилади.

ИККИ ТИЛЛИ КЛАВИАТУРАЛАР

Кўпчилик инсонлар ва бизнес ташкилотлари икки тилда иш юритади, мулоқотга киришади. Икки тилли ёки билингвал клавиатуралар, айниқса, таржимонларга кўп керак бўлади. Бизнес ташкилотлари, хусусан, мижозлар билан ишлаш бўлимлари чет тилида сўзлашувчи мижозлар билан ёзма алоқага кириш учун бу турдаги клавиатураларга мурожаат қилади. Яна бир маълумот — икки тилли клавиатуралар бир тилли клавиатуралардан кўра қимматроқ туради.

PS: Бу ҳали ҳаммаси эмас. Газетамизда бериб борилаётган қизиқарли маълумотларни кузатиб боринг. Ўйлаимизки, ушбу маълумотлар ҳаётингиз ҳамда фаолиятингиз давомини сизга асқатиб қолади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



Vaziyat

gazetasu

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллодда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЙОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
Б. ВАЛИЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
"BUSINESS PRINT DESIGN"
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6750 нусха